

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
МАРКАЗИ**

СРОЖИДИНОВА НИГОРА ЗАЙНУТДИНОВНА

**МЕТАБОЛИК СИНДРОМДА АРТЕРИАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯНИНГ
КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ ВА МОЛЕКУЛЯР-
ГЕНЕТИК ДЕТЕРМИНАНТЛАРИ, ФАРМАКОТЕРАПИЯ ЙЎЛЛАРИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Срождинова Нигора Зайнутдиновна

Метаболик синдромда артериал гипертензиянинг клиник-патогенетик жиҳатлари ва молекуляр-генетик детерминантлари, фармакотерапия йўллари..... 3

Срождинова Нигора Зайнутдиновна

Клинико-патогенетические аспекты и молекулярно-генетические детерминанты артериальной гипертензии при метаболическом синдроме, пути фармакотерапии 29

Srojidinova Nigora Zaynutdinovna

Clinical-pathogenetic aspects and molecular-genetic determinants of arterial hypertension in metabolic syndrome, ways of pharmacotherapy..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 61

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
МАРКАЗИ**

СРОЖИДИНОВА НИГОРА ЗАЙНУТДИНОВНА

**МЕТАБОЛИК СИНДРОМДА АРТЕРИАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯНИНГ
КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК ЖИХАТЛАРИ ВА МОЛЕКУЛЯР-
ГЕНЕТИК ДЕТЕРМИНАНТЛАРИ, ФАРМАКОТЕРАПИЯ ЙЎЛЛАРИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2017

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2017.1.DSc/Tib49 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган кардиология марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tipme.uz) ва “ZiyoNet” ахборот таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Курбанов Равшанбек Давлетович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каюмов Улугбек Каримович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Гадаев Абдигаффар Гадаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Кобалава Жанна Давидовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Етакчи ташкилот:

«В.А. Алмазов номидаги Миллий тиббий тадқиқот маркази» Федерал Давлат Бюджет Муассасаси
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.31.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51уй. Тел./факс: (99871) 268-17-44, e-mail: info@tipme.uz).

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51уй. Тел./факс: (99871) 268-17-44).

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____да тарқатилди.
(2017 йил «___» _____даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.А. Акилов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

А.А. Абдуллаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотига кўра дунёда 1 млрд. киши АГ билан касалланган бўлиб, АГ туфайли йилига 9,4 млн. ўлим ҳолати содир бўлади, бу бутун дунёдаги умумий ўлимнинг 18% ни ташкил қилади¹. Бугунги кунда метабolik синдром (МС) нинг тарқалиши дунёда ўртача 30% ни ташкил қилади². АГ МСнинг энг кўп учрайдиган компоненти бўлиб, инсулинга резистентлик (ИР) билан бир қаторда ушбу симптомокомплекс патогенезининг муҳим бўғинидир. Ҳозирда МС ва АГни патогенезида иштирок этувчи ренин-ангиотензин-альдостерон тизими (РААТ), симпатoadренал тизим (САТ) ҳамда липид ва углевод алмашинувини бошқарувчи генларнинг полиморфизмларини аниқлаш борасида кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда³. Бу эса, ўз навбатида, АГ ҳақидаги мавжуд тушунчаларни кенгайтириши ва генотипларни ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда даволаш тактикасини такомиллаштиришга имкон беради⁴. Фармакогенетик текширишлар дори воситаларига бўлган жавобни, даволашнинг самарадорлиги ва хавфсизлигининг генетик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда прогнозлаш имконини беради ва бу персонализациялашган тиббиётнинг ривожланишига замин яратади⁵.

Ўзбекистон республикасида мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб аҳолига сифатли ихтисослашган кардиологик хизматни ташкил этиш ва юрак-қон томир касалликларини даволашнинг юқори технологик усулларини амалиётга жорий этиш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Республикамизда юрак-қон томир касалликлари кўрсаткичларини пасайтириш ва аҳоли умрини узайиштириш учун «аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилишчи тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш» лозим⁶.

Жаҳон миқёсида АГ ва МСнинг диагностикаси, молекуляр-генетик детерминантлари ва даволашнинг самарали усулларидан фойдаланиш юзасидан қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада АГли беморларда юрак-қон томир асоратлари ривожланиш хавфини ва нишон

¹World Health Organization. A global brief on hypertension: silent killer, global public health crisis. // World Health Day 2013. Report, 1–39. Geneva, Switzerland: World Health Organization; 2013.

²Simmons R. K., Alberti K. G. M. M., Gale E. A. M. et al. The metabolic syndrome: useful concept or clinical tool? Report of a WHO Expert Consultation.// Diabetologia 2010; 53: 600—605.

³Levy D, Ehret GB, Rice K, Verwoert GC et al. Genome-wide association study of blood pressure and hypertension. // NatGenet. 2009;41:677–687.

⁴Кох Н.В., Слепухина А.А., Лифшиц Г.И. Артериальная гипертензия: молекулярно-генетические и фармакогенетические подходы. // Фармакогенетика и Фармакогеномика 2015. №2, с. 4-8

⁵Сычев Д. А., Раменская Г. В., Игнатъев И. В., Кукес В. Г. Клиническая фармакогенетика // Под ред.В. Г. Кукеса, Н. П. Бочкова. М.: Гэотар-Медиа, 2007.

⁶2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси

аъзолари шикастланишини аниқлашнинг асосларини ишлаб чиқиш ҳамда даволаш тактикасини белгилаш, юрак-қон томир касалликларининг ривожланишида иштирок этувчи номзод генлар полиморфизмларининг тарқалиши ва бу генлар аъзоларни шикастлаши, даволанишга бўлган жавоб билан ассоциациясини аниқлаш, «генетик» паспорт яратиш ва унинг асосида касалликнинг пайдо бўлиши ва кечишини назорат қилиш ҳамда даволашда персонализациялашган аниқ тавсияларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁷. АГ ва МС патогенези, диагностикаси ва даволаш тактикасини мукаммаллаштириш ҳамда кўп омилли касалликларнинг ривожланиши ва даволашга бўлган жавобни ирсий детерминантларини аниқлашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, National Heart, Lung, and Blood Institute (АҚШ), Texas Heart Institute (АҚШ), Vessels and Blood Institute (Франция), Metabolic Syndrome Institute of America (АҚШ), Institute of Metabolic Syndrome & Research (Австрия), Institute of Metabolic Science (Буюк Британия), Diabetes, Obesity and Metabolism Institute (АҚШ), The Charles Bronfman Institute for Personalized Medicine (АҚШ), Quebec Heart and Lung Institute (Канада), Centre of Cardiology, North Estonia Medical Centre (Эстония), ФГБУ Национальный медицинский исследовательский центр кардиологии (Россия Федерацияси), ФГБУ Национальный медицинский исследовательский центр им. В.А. Алмазова (Россия Федерацияси), НИИ Медицинской генетики Томского НИМЦ (Россия Федерацияси), ФГБУ Государственный научно-исследовательский центр профилактической медицины (Россия Федерацияси), Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент врачлар малака ошириш институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

⁷Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed/, www.who.int/, www.nhlbi.nih.gov/, www.heart.org, www.acc.org, www.medscape.com/, www.idf.org/, www.instituteofdiabetes.com.au/, www.scardio.ru/, www.almazovcentre.ru/, www.medgenetics.ru/ ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

АГ ва МСнинг тарқалиши, диагностикаси ва уни даволаш ҳамда молекуляр-генетик предикторларини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасида, қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: АГ юрак-қон томир касалликлари ва бош мия қон айланишининг бузилиши, миокард инфаркти каби асоратларни мустақил хавф омили бўлиб, беморларни ногиронлиги ва ўлим сабабларидан бири эканлиги исботланган (Clinical Trials Research Unit, University of Auckland, Auckland, New Zealand); МСнинг прогностик роли исботланган ва унинг мавжудлиги юрак ишемик касаллиги (ЮИК), қандли диабет, инсульт ва ўлим хавфини ошириши аниқланган (Harvard Medical School and the General Medicine Division, Boston, MA, USA); АГ ва МСнинг бошқа компонентларини ривожланишининг молекуляр-генетик детерминантлари аниқланган (Center for Complex Disease Genomics, Baltimore, USA; Human Genomics Laboratory, Pennington Biomedical Research Center, Louisiana State University System, Baton Rouge, LA, USA.); АГ ва МСнинг диагностикаси ва уни даволаш бўйича замонавий тавсиялар ишлаб чиқилган; ўз вақтида ўтказилган антигипертензив даволаш АГ асоратларини, миокард инфаркти ва инсультдан ўлимни, сурункали юрак етишмовчилиги ривожланишини камайтириши исботланган; ген полиморфизмлари билан фармакологик жавоб турлари ўртасидаги боғлиқлик кўрсатилган (Department of Pharmacotherapy & Translational Research & Center for Pharmacogenomics, University of Florida, Gainesville, FL, USA).

Дунёда АГ ва МС диагностикаси ва даволаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: АГ ва МС ривожланишининг молекуляр-генетик асосларини ҳамда касалликка мойиллик чақирувчи номзод генларни аниқлаш, ген полиморфизмларни МС компонентлари билан боғлиқлигини баҳолаш, АГ ва МСни даволаш самарасини ошириш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтга келиб АГ ва МС ривожланиш патогенезига, уни даволаш ва олдини олиш чораларининг самарадорлигини аниқлашга бағишланган кўплаб текширишлар ўтказилган (Алмазов В.А., 1999; Reaven G.M., 1998; Anderson P.J., 2001; Мычка В.Б., 2004; Ferrannini E., 2002). Ўтказилган илмий тадқиқотларнинг натижаларига кўра, МСда АГнинг патогенези САТ ва РААТ гиперактивацияси ҳамда мембраналаро ион алмашинуви механизмлари ва адипокинлар тизимининг дисбаланси билан боғлиқдир (Чазова И.Е., 2002; Egan B.M., 2003; Grundy S. M., 2007; Mancía G., 2007). Ҳозирги кунга келиб АГ ва МСнинг бошқа асосий компонентларини ирсий белгилаб берилганлиги хақида тушунча шаклланди (Пузырев В.П., 2006; Teran-García M., 2007). АГ ва МС патогенезида иштирок этувчи асосий номзод генлар деб бош физиологик тизимлар: РААТ, САТ ишига жавобгар генлар ҳамда эндотелий фаолияти, глюкоза ва липид алмашинувини бошқарувчи генлар тан олинган (M.E. Dickson, C.D. Sigmund, 2006; Y. Yamada, 2007; Пузырев В.П., 2011; Минушкина Л.О, Затейщиков Д.А., 2011). Бугунги кунда МСли беморларда АГни даволашнинг асосий қоидалари аниқ шаклланган бўлиб, бу – тўлиқ

метаболик назорат остида асоратлар ривожланишининг олдини олишдир (Mancia G., 2013; Alberti K.G., 2006; Мамедов М.Н., 2005).

Ўзбекистонда юрак-қон томир касалликларини эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, АГ, юрак ишемик касаллиги, кардиомиопатия ва бошқа касалликларнинг ривожланишида иштирок этувчи номзод генлар аниқланган (Курбанов Р.Д., Елисеева М.Р., 2005; Хамидуллаева Г.А., 2010; Шек А.Б., 2012; Камилова У.К., 2013; Гадаев А.Г., 2000 ва бошқалар), АГни даволашда антигипертензив дори воситаларининг самарадорлиги ва фармакогенетик хусусиятлари баҳоланган (Елисеева М.Р., Курбанова Д.Р., Хамидуллаева Г.А., 2009), МСнинг тарқалиши (Мухиддинова Г., 2010), унинг патогенетик жиҳатлари ва клиник кечиши аниқланган (Каюмов У.К., 2005; Саидов С., 2006; Убекова Н.Р., 2013).

Бироқ илмий адабиётларда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, республикамизда АГ ва МСни ривожланишида иштирок этувчи номзод генлар кенг қамровда ўрганилмаган. Шунингдек, ўзбек миллатига мансуб беморларда МС таркибидаги АГни даволашда номзод генларни полиморфизмининг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда даволаш алгоритмлари яратилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази Артериал гипертензия лабораториясининг илмий ишлари доирасида “Эссенциал гипертензияда юрак қон-томир ремоделинги ривожланишида ва гипотензив дори воситаларини аъзоларни ҳимояловчи таъсирида генетик полиморфизмнинг роли ва генларнинг ўзаро таъсирини текшириш” номли А-9-138 ва “РААТ генлари полиморфизми: ўзбек миллатига мансуб кишиларда эссенциал гипертензия патогенези ва фармакогенетикасининг жиҳатлари” номли ИТД-1109-11.3-18631 лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади МС таркибида АГнинг клиник-метаболик ўзига хослиги ва молекуляр-генетик жиҳатларини аниқлаш, фармакотерапиянинг оптимал режимларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

МС таркибидаги АГли беморларда клиник-гемодинамик кўрсаткичлар ва эндотелийнинг функционал ҳолатини углевод ва липид метаболизмининг кўрсаткичлари билан боғлиқлигини аниқлаш;

ўзбек миллатига мансуб АГ ва МСли беморларда РААТ (ACE, AGT, AGTR1, AGTR2, CYP11B2), бета-адренорецепторлар (ADRB3), пероксисомалар пролифераторининг γ-рецепторлари (PPARγ), инсулиннинг 1-тур рецепторлари субстрати (IRS-1) генлари полиморфизмларининг тарқалганлигини аниқлаш;

АГ ва МСли беморларда юрак-қонтомирларнинг ремоделланиши ва метаболик бузилишлар кўрсаткичларини РААТ, ADRB3, PPARγ, IRS-1 генларининг маълум генотип ва аллеллари билан боғлиқлигини аниқлаш;

АГ ва МСли беморларда амлодипин асосидаги комбинацияли антигипертензив даволашнинг иккита режими самарадорлигини қиёсий баҳолаш;

РААТ, ADRB3, PPAR γ , IRS-1 генларнинг полиморфизмларини ҳисобга олган ҳолда МСда АГни даволашга фармакогенетик ёндашишни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек миллатига мансуб I-III даражали АГ (ESC/ESH, 2007) ва МСли (IDF, 2005) 243 нафар эркак беморлар олинди. Назорат гуруҳини ўзбек миллатига мансуб 58 нафар соғлом эркак ташкил қилди.

Тадқиқотнинг предмети анамнез, физикал маълумотлар, марказий гемодинамика, эндотелий фаолияти, углевод ва липид метаболизмининг кўрсаткичлари ташкил этади. Тадқиқотда кон зардоб, сийдик ҳамда беморлар ва соғлом кишиларнинг ДНКси текширилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни бажаришда клиник, биокимёвий, инструментал, молекуляр-генетик текширув, статистик таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор клиник-гемодинамик, метаболик ва молекуляр-генетик текширишлар асосида ўзбек миллатига мансуб эркак беморларда МС таркибида АГ ривожланишининг ўзига хослиги аниқланган;

АБни суткалик профили ва ритми бузилишлари билан бирга кечувчи чап қоринча (ЧҚ) ва томирларнинг ремоделланиш жараёнларининг ифодаланганлиги ИР ва дислипидемиyani ўзига хос тури билан узвий боғлиқлиги асосланган;

илк бор ўзбек миллатига мансуб АГ ва МСли эркак беморларда ACE, AGT, AGTR1, AGTR2, CYP11B2, ADRB3, PPAR γ , IRS-1 генларининг полиморфизмлари тарқалишининг ўзига хослиги аниқланган;

илк бор ўзбек миллатига мансуб эркак беморларда МС таркибида АГни ривожланиш хавфининг молекуляр-генетик белгилари аниқланган;

илк бор ўзбек миллатига мансуб беморларда МС таркибида АГ ривожланиши ҳамда ЧҚ ва томирларнинг патологик ремоделланиши хавфининг молекуляр-генетик белгилари кўрсатиб берилган;

АГ ва МСли беморларда амлодипинни моксонидин ва периндоприл билан комбинирлашган даволашнинг самарадорлиги асослаб берилган;

илк бор ACE, AGT, AGTR1, AGTR2, CYP11B2, ADRB3, PPAR γ , IRS-1 генларининг полиморфизмларини ҳисобга олган ҳолда АГ ва МСли беморларда амлодипинни моксонидин ва периндоприл билан комбинирлашган даволашга бўлган жавобнинг фармакогенетик ўзига хослиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

АГ ва МСли беморларда ЧҚнинг патологик ремоделланиш хавфи ва томир асоратларининг хавфини прогнозлаш учун РААТ генлари ва ADRB3, PPAR γ , IRS-1 генларининг полиморфизмларини аниқлаш тавсия этилган.

АГ ва МСли беморларда гиперинсулинемия мавжуд бўлганида АБни самарали назорат қилиш ва ИР даражасини камайтиришга ёрдам берувчи амлодипинни моксонидин билан комбинирлашган даволаш тавсия этилган.

АГ ва МСли беморларда АГ, ЧҚ ва томирларнинг ремоделланиш жараёнларини самарали назорат қилиш мақсадида метаболик нейтрал таъсирли, ЧҚГни кўпроқ регрессиясига ва эндотелийни функционал ҳолатини нормаллашувига ёрдам берувчи амлодипинни периндоприл билан комбинирлашган даволаш тавсия этилган.

AGTR2 генининг 1676А полиморфизмини G-аллели ташувчилигида ЧҚГ регрессияси ва эндотелий дисфункциясининг самарали назорати мақсадида амлодипинни периндоприл билан комбинирлашган даволаш тавсия этилган.

АГ ва МСли беморларда РААТ генлари ва ADRB3, PPAR γ , IRS-1 генларининг полиморфизмларини аниқлаш амлодипинни моксонидин ёки периндоприл билан комбинирлашган даволашни танлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли миқдордаги материалда бажарилганлиги билан асосланган, шунингдек, кенг қамровли клиник, биокимёвий, инструментал, молекуляр-генетик текширишларнинг миқдорий натижалари замонавий статистик усуллар ёрдамида тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, углевод ва липид метаболизмининг кўрсаткичларини аниқлашни ўз ичига олган комплекс текшириш ЧҚ ва томирларни ремоделланиш жараёнини ривожланиши ҳамда АГнинг кучайишини олдиндан айтиб бериш имкониятини яратади. Юқорида кўрсатиб ўтилган жараёнларнинг ривожланиш хавфини олдиндан айтиб бериш мақсадида беморларни AGT, ACE, AGTR1, AGTR2, CYP11B2, PPAR γ , ADRB3 генларининг полиморфизмларига генотиплаш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, АГ ва МСли беморларда амлодипинни периндоприл ва моксонидин билан биргаликда қўллаш юқори антигипертензив самарадорлиги ва нишон аъзоларнинг ҳимояси туфайли беморларда асоратлар ривожланишини камайтиради. Номзод генларнинг полиморфизмини ўрганиш индивидуал «генетик» паспорт яратиш ва персоналлашган даволашга имкон беради. Ўзбек миллатига мансуб АГ ва МС беморларда генетик полиморфизмларнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда АГни комбинирлашган даволашни оптималлаштириш алгоритми ишлаб чиқилган. Тақдим этилган хулоса ва таклифлар АГ ва МС ривожланишининг генетик детерминантларини аниқлаш, фармакогенетика ва фармакогеномика бўйича илмий тадқиқотларни такомиллаштиришга катта ҳисса қўшади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. МС таркибидаги АГнинг молекуляр-генетик жиҳатлари ва фармакотерапиянинг оптимал усуллари ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот натижалари асосида:

«Молекулярно-генетические аспекты эссенциальной гипертонии» мавзусидаги монографияси тасдиқланди ва чоп этилди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 12 сентябрдаги 8н-д/20-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижалар асосида ўзбек миллатига мансуб АГли беморларда АГнинг молекуляр-генетик детерминантларини аниқлаш касаллик ривожланиши ва нишон аъзоларининг шикастланишига мойилликни аниқлаш ҳамда касалликнинг олдини олишга қаратилган даволаш-профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишга имкон яратган;

«Метаболический синдром» мавзусида услубий қўлланма ишлаб чиқилди ва тасдиқланди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 12 сентябрдаги 8н-д/20-сон маълумотномаси). Олинган натижалар асосида АГ ва МС компонентларини даволашда ижобий самарага эришилгани, юрак-қон томир асоратлари ва қандли диабет пайдо бўлишини камайиши аниқланган;

«Метаболик синдромда артериал гипертензияни даволаш» мавзусида услубий тавсиянома ишлаб чиқилди ва тасдиқланди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 12 сентябрдаги 8н-д/20-сон маълумотномаси). Олинган натижалар асосида МСда АГни даволашда амлодипинни моксонидин билан бирга қўллаш АГ ва МСли беморларда АБнинг мақсадли кўрсаткичларига тезроқ эришиши ва ИРни камайтириши аниқланган.

МСда АГнинг молекуляр-генетик детерминантларини, эрта диагностика мезонларини аниқлаш ва фармакотерапияни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳар 7-сон клиник касалхонаси, Наманган вилоят кардиология диспансери иш жараёнига ҳамда Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг кардиология ва терапия кафедраларининг ўқув жараёнларига тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 12 сентябрдаги 8н-д/20-сон маълумотномаси). Амалиётга жорий қилинган тавсиялар натижасида МС ва АГни эрта ташхислаш, касалликнинг клиник кечишини, унинг асоратлари ривожланиш хавфини баҳолаш, даволаш ва олдини олишга самарали ёндашувни аниқлаш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 15 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 80 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 таси республика ҳамда 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 199 бетни ташкил этди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«МС таркибида АГ патогенези, генетик детерминантлари, фармакотерапияси ва фармакогенетикасининг замонавий жиҳатлари»** деб номланган биринчи бобида юрак қон-томир асоратлари хавфининг етакчи предиктори бўлган МС ҳақида, МСда АГни ривожланиш механизмлари, МСнинг патогенетик таркибий қисмларини ирсий белгилаб берилганлиги, МС таркибида АГ фармакотерапияси ва фармакогенетикаси тўғрисида замонавий тушунчалар адабиётлар таҳлили асосида ёритилган.

Диссертациянинг **«Клиник материалнинг умумий тавсифи ва текшириш усуллари»** номли иккинчи бобида тадқиқотнинг материал ва услублари баён этилган. Ишнинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ АГли 243 нафар бемор 2007-2011й.й. давомида комплекс текширишдан ўтказилди. Илмий изланиш Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази базасида бажарилди. Диссертация ишида АГ ва МС ташхисини клиник тасдиқлаш ESC/ESH (2007й.) таснифи ва IDF (2005й.) мезонлари бўйича ўтказилди.

Ўзбек миллатига мансуб 243 нафар АГли эркак беморлар клиник текширишдан ўтказилди. Беморларнинг ўртача ёши $45,2 \pm 10,8$ ёш, АГнинг ўртача давомийлиги $4,8 \pm 4,0$ йилни ташкил қилди. Симптоматик АГ, III-IV фс зўриқиш стенокардияси, II-III даражадаги сурункали юрак етишмовчилиги, юрак ритмининг бузилиши, ўткир коронар синдром, охирги олти ой давомида бош мия қон айланишининг ўткир бузилиши, инфарктдан кейинги кардиосклероз, ҚД, жигар ва буйрак етишмовчили ва оғир ёндош касаллиги бўлган беморлар текширишга олинмади.

Барча беморларда липид спектри, қондаги глюкоза, инсулин миқдорини аниқлаш, ИР кўрсаткичлари (НОМА-IR, ТГ/ЛВП, VAI, MI), микроальбуминурия (МАУ), электрокардиограмма, эхокардиография, АБни суткалик мониторинг, реактив гиперемия синамасы ва интима-медиа комплекси (ИМК) қалинлигини аниқлашни ўз ичига олувчи лаборатор ва инструментал текшириш усуллари ўтказилди.

Ишда молекуляр-генетик текширишлар учун ўзбек миллатига мансуб 166 нафар АГ ва МСли беморларнинг ДНК намуналари ишлатилди. Назорат гуруҳини жинси, ёши бўйича беморларга қиёслана оладиган ва АГ бўйича наслий мойиллиги бўлмаган ўзбек миллатига мансуб 58 нафар соғлом кишилар ташкил қилди. Полимераза занжирли реакция ёрдамида РААТ генлари ва ADRB3, PPAR γ , IRS-1 генларининг полиморфизмлари аниқланди.

Ўрганилган номзод генлар

Номзод генлар	Полиморфизм	SNP
Ангиотензиноген (<i>AGT</i>)	<i>Met235Thr</i>	rs699
Ангиотензин-айлантирувчи фермент (<i>ACE</i>)	<i>I/D</i>	rs4646994
Ангиотензин II нинг 1-тур рецептори (<i>AT1R</i>)	<i>A1166C</i>	rs 5186
Ангиотензин II нинг 2-тур рецептори (<i>AT2R</i>)	<i>G1675A</i>	rs 1403543
Альдостерон синтаза <i>CYP11B2</i>	<i>C-344T</i>	rs 1799998
β 3-адренорецепторлар (<i>ADRB3</i>)	<i>Trp64Arg</i>	rs 4994
Пероксисомалар пролиферацияси активаторини γ 2 турдаги рецепторлари (<i>PPARG2</i>)	<i>Pro12Ala</i>	rs 1801282
1-турдаги инсулин рецепторларининг субстрати (<i>IRS-1</i>)	<i>Gly972Arg</i> <i>Ala513Pro</i>	rs 1801278 rs 2943641

АГ ва МСли 70 нафар бемор комбинирлашган даволаш гуруҳига киритилди. Биринчи гуруҳ беморлари амлодипинни моксонидин билан комбинациясини, иккинчи гуруҳ беморлари эса амлодипинни периндоприл билан комбинациясини қабул қилди. Даволаш давомийлиги 12 ҳафтани ташкил қилди.

Тадқиқотлардан олинган натижаларнинг статистик таҳлили «Statistica Soft 6.0» дастури ёрдамида бажарилди. Нисбий хавф (OR) ирсий моделларни қўллаган ҳолда ҳисобланди. Ҳисоблашлар Россия Давлат Илмий Маркази «Давлат Генетика Илмий Текшириш Институти» томонидан яратилган онлайн дастур ёрдамида http://gen-expert.ru/calculator_or.php. сайтида бажарилди.

Диссертациянинг «МС таркибидаги АГ ва аъзолар ўзгаришларининг ўзига хос хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида тадқиқотнинг клиник ва инструментал текширув усуллари натижаларининг таҳлили асосида АГ ва МСли беморларда АГ, аъзоларни шикастланиш профили ва метаболик бузилишларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Таҳлил учун беморлар иккига МСли (n=178) ва МСсиз (n=65) гуруҳга бўлинди.

ҚБни суткалик мониторинг натижалари таҳлил қилинганда АГ ва МСли беморлар гуруҳи ўртача суткалик САБ ва ДАБ, ўртача кундузги САБ, ўртача тунги САБ кўрсаткичлари АГ ва МСсиз беморлар гуруҳига қараганда кўпроқ кўтарилиши ҳамда САБ ва ДАБ кундузги ва тунги соатларда юклама индексининг ошиши аниқланди. АГ ва МСли беморлар гуруҳи АБ профилининг тузилиши билан ажралиб турди. Бунда САБ бўйича овердипперлар сонининг устунлиги кузатилди.

ЧҚнинг ремоделланишини кўрсатувчи параметрлар, хусусан, қоринчалараро тўсиқ қалинлиги (КТҚ), охирги диастолик размер (ОДР), охирги систолик размер (ОСР), охирги диастолик ҳажм (ОДХ) ва охирги систолик ҳажм (ОСХ), шунингдек, ЧҚ миокард массаси (ЧҚММ) ва ЧҚММ индекси (ЧҚММИ) кўпроқ ифодаланган ўзгаришлар билан характерланади ва статистик ишончли равишда АГ ва МСсиз беморлардан фарқ қилади. Елка артерияси (ЕА) диаметрининг ўсиши АГ ва МСли беморлар гуруҳида АГ ва МСсиз беморлар гуруҳига қараганда ишонарли равишда паст бўлди.

АГ ва МСли беморларда пропорционал/нопропорционал ЧҚММни баҳолаганимизда қуйидаги ўзига хосликлар аниқланди. Хусусан, иккала АГ ва МСли ҳамда АГ ва МСсиз гуруҳларда пропорционал юқори ЧҚММнинг (>128%) бир хил частотада учрашида ($\chi^2=0,587$, $p=0,444$) АГ ва МСли беморлар орасида кучли ифодаланган пропорционал юқори ЧҚММли (>184%) шахсларни ишончли равишда кўплиги аниқланди ($\chi^2=18,751$, $p=0,000$). Пропорционал ва пропорционал юқори ЧҚММни ҳисобга олган ҳолдаги клинко-демографик ва лаборатор кўрсаткичлар таҳлили бир қатор омилларни (ёш, АГни давомийлиги, САБ, ДАБ) пропорционал юқори ЧҚММни ривожланишига ҳиссасини аниқлади. Бунда АГ ва МСли беморлар гуруҳида пропорционал юқори ЧҚММ қон зардобдаги инсулин ($p=0,012$) ва НОМА-IR ($p=0,031$) индексини юқори кўрсаткичлари билан ажралиб турди. Бу ЧҚММнинг ифодаланган диспропорционаллигини ривожланишида ГИнинг ҳиссасини кўрсатади.

АГ ва МСли беморлар гуруҳи АГ ва МСсиз беморлар билан солиштирилганда тана вазни индекси (ТВИ), бел айланаси (БА) ҳамда наҳорги глюкоза, зардобдаги инсулин миқдори, ИР кўрсаткичларининг (НОМА-IR, ТГ/ЮЗЛ ХС, VAI, MI) кўп ва ишончли ошиши билан ажралиб турди. Липид профили параметрлари орасида триглицеридлар (ТГ) ($p=0,00003$) ва умумий холестерин (ХС) ($p=0,0001$) миқдорини ишончли равишда юқорилигини таъкидлаш лозим.

Келгуси таҳлил жараёнида МС компонентлари сонига қараб гуруҳлар ташкил қилинди. Шунинг таъкидлаш жоизки, АГ ва МСли беморлар орасида МСнинг 3 компоненти [(абдоминал семизлик (АС)+АГ)+↑ТГ ёки ↓юқори зичликдаги липопротеинлар холестерини (ЮЗЛ ХС) ёки глюкозага толерантликнинг бузилиши (ГТБ)] 122 нафар беморда кузатилди. МСнинг 4 компоненти [(АС+АГ+↑ТГ) ёки ↓ЮЗЛ ХС ёки ГТБ] 48 нафар беморда, 5 компоненти эса (АС+АГ+↑ТГ+↓ЮЗЛ ХС+ГТБ) 9 нафар беморда аниқланди. Кейинги таҳлил учун 4 ва 5 компонентли беморлар бир гуруҳга бирлаштирилди.

Марказий ва тизим гемодинамикаси кўрсаткичлари, эндотелий дисфункцияси белгиларини МС компонентларининг сонига боғлиқ равишда ўрганиш давомида қуйидаги ўзига хос хусусиятлар аниқланди (2-жадвал).

**МС компонентлари сонига боғлиқ ҳолда марказий ва тизим
гемодинамикаси ва эндотелий дисфункцияси кўрсаткичлари**

Параметрлар	АГли МСсиз n=65	3 комп. (АС+АГ+↑ТГ ёки ↓ЮЗЛ ХС ёки ГТБ) n=122	4 +5комп. (АС+АГ+↑ТГ + ↓ ЮЗЛ ХС ва/ёки ГТБ) n=57	F/p
САБ (мм с.у.)	153,5±13,3	158,2±13,7	162,9±12,7	7,525/0,000
ДАБ(мм с. у.)	98,9±8,2	99,5±9,3	100,1±10,0	0,253/0,777
ПБ (мм с. у.)	54,5±5,1	58,7±6,4	62,8±5,7	29,959/0,000
ЮУС	76,32±9,16	76,90±10,9	80,06±12,8	2,116/0,123
ЧҚММИ (г/м ²)	143,42±28,47	150,26±32,99	167,58±40,78	8,237/0,0001
ИМК (мм)	0,82±0,21	0,92±0,26	0,93±0,23	4,414/0,013
ΔД (%)	6,6±5,55	4,71±5,42	3,5±5,42	5,132/0,007
МАУ (мг/л)	15,55±12,18	25,88±36,5	30,54±20,5	4,652/0,010

МС компонентлари тўпланиши САБ ва пульс босимини (ПБ) кўпроқ ошиши ҳамда ЧҚ ва томирлар ремоделинг жараёнларининг ифодаланганлигини чуқурлашиши билан бирга кечади. Хусусан, ЧҚММИ 4+5 компонентли беморлар гуруҳида 3 компонентли беморлар гуруҳига қараганда ўртача 11,5%га юқори бўлди. ИМК қалинлиги ва МАУ ҳам кўпроқ ифодаланган ўзгаришлар билан ажралиб турди. АГ ва МСли беморларда АГ ва МСсиз беморларга қараганда елка артерияси (ЕА) диаметрининг ўсишини умумий бузилишида бу кўрсаткич 4+5 компонентли беморларда 3 компонентли беморлар гуруҳига қараганда кўпроқ даражада пасайиши (ўртача 25%га) кузатилди. МС компонентлари миқдорининг ошиши текширилган беморларда углевод ва липид профилининг чуқур бузилишлари билан бирга кечди. Липид ва углевод метаболизмининг барча ўрганилган кўрсаткичлари 4+5 компонентли гуруҳда 3 компонентли гуруҳга қараганда юқори фарқлар билан ажралиб турди (3-жадвал).

**МС компонентлари сонига боғлиқ ҳолда метаболик профиль
кўрсаткичлари**

Параметрлар	АГ ли МСсиз n=65	3 комп. (АС+АГ+↑ТГ ёки ↓ЮЗЛ ХС ёки ГТБ) n=122	4 +5комп. (АС+АГ+↑ТГ + ↓ ЮЗЛ ХС ва/ёки ГТБ) n=57	F/p
Глюкоза наҳорга (ммоль/л)	4,73±0,41	5,08±0,81	5,20±0,93	6,735/0,001
Глюкоза юкламадан 2соатдан кейин (ммоль/л)	5,30±1,28	5,44±1,21	7,27±3,10	11,101/0,0001
Инсулин (МЕД/мл)	9,74±5,67	18,09±14,02	21,35±17,63	3,15/0,048
УХС (мг/дл)	203,88±39,82	228,56±43,58	226,0±41,25	7,744/0,000
ТГ (мг/дл)	149,05±74,53	208,70±138,67	278,02±154,97	15,111/0,000
ЮЗЛХС (мг/дл)	41,35±7,68	42,88±7,89	37,79±4,85	9,611/0,000
КЗЛХС (мг/дл)	133,28±34,94	143,72±38,20	135,59±31,49	2,139/0,12
ИА	3,99±1,03	4,44±1,16	5,57±1,34	29,42/0,000
НОМА-IR	2,08±1,26	3,92±3,23	5,25±4,58	3,941/0,023
ТГ/ЮЗЛХС	3,65±1,86	4,86±3,18	8,12±4,48	30,67/0,000
VAI	1,65±0,65	2,81±1,81	4,86±2,60	48,07/0,000
МИ	7,13±4,03	9,34±6,41	20,38±12,63	29,42/0,000

Диссертациянинг «РААТ, бета-адренорецепторлар, пероксисомалар пролифераторининг γ-рецепторлари, инсулиннинг 1-тур рецепторлари субстрати генларининг полиморфизмлари ҳамда АГ ва МСли беморларда юрак-қон томир ремоделинги» деб номланган тўртинчи бобида ўзбек миллатига мансуб АГ ва МСли беморларда РААТ (AGT, ACE, AT1R, AT2R, CYP11B2), ADRB3, PPARγ, IRS-1 генлари полиморфизмларининг тарқалишини ўрганиш ва МС таркибида АГ ривожланишининг ирсий хавфини ҳисоблаш натижалари ёритилган.

AGT генининг M235T полиморфизми тарқалиш частотаси 163 нафар АГ ва МСли беморларда ўрганилди. Бунда MM-генотип 11 (6,7%) беморда, MT-генотип – 136 нафар (83,4%) беморда ва TT-генотип – 16 нафар (9,8%) беморда кузатилди; M-аллель 158 (48,5%) ҳолатда, T-аллель эса 168 (51,5%) ҳолатда аниқланди. Соғлом кишиларда MM : MT : TT генотиплар ва M : T

аллеллар нисбати мос равишда 13,8% : 60,3% : 25,9% ва 44% : 56% ни ташкил қилди. Назорат гуруҳида AGT гени генотиплар частотасининг тақсимланиши Харди-Вайнберг тақсимотига мос келди ($\chi^2=2.93$, $p=0.09$). AGT генининг M235T полиморфизми генотиплари тарқалишининг қиёсий таҳлили МТ-генотипи соғлом кишиларга қараганда беморларда кўп учрашини кўрсатди ($p=0.001$, ирсиятни умумий модели бўйича).

ACE гени I/D полиморфизмининг тарқалиши 157 нафар АГ ва МСли беморларда ўрганилди. II-генотип – 37 (23,6%) беморда, ID-генотип – 81 (51,6%) беморда ва DD-генотип – 39 (24,8%) беморда аниқланди; I-аллель 155 (49,4%) ҳолатда, D-аллель эса 159 (50,6%) ҳолатда кузатилди. Соғлом кишиларда II : ID : DD генотиплари ва I : D аллелларининг нисбати мос равишда 36,2% : 37,9% : 25,9% ва 55,2% : 44,1% ни ташкил қилди. Назорат гуруҳида ACE гени I/D полиморфизми генотиплар частотасининг тақсимланиши Харди-Вайнберг тақсимотига мос келди ($\chi^2=3.15$, $p=0.08$). ACE генининг I/D полиморфизми генотип ва аллеллари тақсимланишининг қиёсий таҳлилида ирсият моделлари бўйича ушбу полиморфизм аллель ва генотипларининг тарқалиши бўйича соғлом кишилар ва беморлар ўртасида фарқ топилмади. Лекин шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, ирсиятни доминант модели бўйича таҳлил қилинганда беморларда I/D+D/D генотиплар йиғиндисининг статистик ишончлилиқ даражасига яқин ошиши кузатилди ($\chi^2=3.44$, $p=0.06$).

AGTR1 гени A1166C полиморфизмининг частотаси 149 АГ ва МСли беморда ўрганилди. AA-генотип – 103(69,1%) нафар беморда, AC-генотип – 43 нафар (28,9%) беморда ва CC-генотип – 3 нафар (2%) беморда аниқланди; A-аллель 249 (83,6%) ҳолатда, C-аллель эса 49 (16,4%) ҳолатда кузатилди. Соғлом кишиларда AA : AC : CC генотиплар ва A : C аллеллар нисбати мос равишда 67,2% : 32,8% : 0% ва 83,6% : 16,4%ни ташкил қилди. Назорат гуруҳида AGTR1 гени A1166C полиморфизми генотиплар частотасини тақсимланиши Харди-Вайнберг тақсимотига мос келди ($\chi^2=2.23$, $p=0.14$). AGTR1 гени A1166C полиморфизмининг аллель ва генотиплари тақсимланишининг қиёсий таҳлилида беморларда соғлом кишиларга қараганда A-аллелни статистик ишончли равишда кўпроқ учраши кузатилди (ирсиятнинг мультипликатив модели $\chi^2=3.98$, $p=0.05$). Шунингдек, беморларда соғлом кишиларга қараганда AA-генотипи ирсиятнинг умумий модели ($\chi^2=6.43$, $p=0.04$), аддитив модели ($\chi^2=4.23$, $p=0.04$) ва рециссив модели бўйича ($\chi^2=5.28$, $p=0.02$) бўйича статистик ишончли равишда кўпроқ учраши кузатилди. Шуни айтиб ўтиш лозимки, назорат гуруҳида CC-генотипи умуман кузатилмади.

AGTR2 гени G1676A полиморфизмининг частотаси 157 нафар беморда ўрганилди. Ушбу геннинг X-хромосомага боғланганлигини ҳисобга олган ҳолда аллелларнинг частотаси ўрганилди. G-аллель – 140 нафар (62,4%) беморда, A-аллель эса 59 нафар (37,6%) беморда ($\chi^2=18,395$, $df=1$, $p=0,000$) кузатилди. Соғлом кишиларда G- ва A-аллелларини нисбати 58,6% : 41,4%ни ташкил қилди ($\chi^2=2,793$, $df=1$, $p=0,095$). Шундай қилиб AGTR2 гени G1676A полиморфизми G-аллелининг тўпланиши аниқланди.

CYP11B2 гени C-344T полиморфизмининг частотаси 150 нафар беморда ўрганилди. CC-генотип 17 нафар (11,3%) беморда, CT-генотип – 96 нафар (64%) беморда ва TT-генотип – 37 нафар (24,7%) беморда аниқланди; C-аллель 130 (43,3%) ҳолатда, T-аллель эса 170 (56,7%) ҳолатда кузатилди. Соғлом кишиларда CC : CT : TT генотипларнинг ва C : T аллелларининг нисбати мос равишда 22,4% : 51,7% : 25,9% ва 48,3% : 51,7%ни ташкил қилди. Назорат гуруҳида CYP11B2 гени C-344T полиморфизми генотиплар частотасининг тақсимланиши Харди-Вайнберг тақсимотига мос келди ($\chi^2=0.07$, $p=0.79$). CYP11B2 гени C-344T полиморфизми аллель ва генотиплари тақсимланишининг қиёсий таҳлилида ирсиятнинг мультипликатив, умумий, аддитив ва рецессив моделлари бўйича беморлар ва назорат гуруҳлари ўртасида ишончли фарқ топилмади. Лекин ирсиятнинг доминант модели бўйича таҳлили назорат гуруҳига қараганда беморларда CT+TT генотипларининг ишончли равишда кўп учраши аниқланди ($\chi^2=4.16$, $p=0.04$).

ADRB3 гени Trp64Arg полиморфизмининг частотаси 159 нафар беморда ўрганилди. TT-генотип – 77 нафар (48,4%) беморда, TA-генотип – 81 нафар (50,9%) беморда, AA-генотип – 1 нафар (0,7%) беморда аниқланди; T-аллель 234 (74,1%) ҳолатда, A-аллель эса 82 (25,9%) ҳолатда кузатили. Соғлом кишиларда TT : TA : AA генотиплари ва T : A аллеллари мос равишда 34% : 59,6% : 6,4% ва 63,8% : 36,2%ни ташкил қилди. Назорат гуруҳида ADRB3 гени Trp64Arg полиморфизми генотиплар частотасининг тақсимланиши Харди-Вайнберг тақсимотига мос келди ($\chi^2=3.96$, $p=0.05$). ADRB3 гени Trp64Arg полиморфизми аллель ва генотипларининг тарқалишини ирсиятнинг умумий ($\chi^2=8.36$, $p=0.02$), аддитив ($\chi^2=5.18$, $p=0.02$) ва рецессив ($\chi^2=3.03$, $p=0.02$) моделлари бўйича қиёсий таҳлили беморларда назорат гуруҳига қараганда TT-генотипининг частотаси статистик ишончли равишда ошишини аниқлади. Бундан ташқари, ирсиятнинг доминант модели бўйича беморларда назорат гуруҳига қараганда TT+TA генотипларининг йиғиндисини ишончли равишда кўпроқ учраши аниқланди ($\chi^2=6.31$, $p=0.01$).

PPAR γ гени Pro12Ala полиморфизмининг частотаси 161 нафар беморда ўрганилди. Pro/Pro-генотип 134 нафар (83,2%) беморда, Pro/Ala-генотип 25 нафар (15,5%) беморда ва Ala/Ala-генотип 2 нафар (1,2%) беморда аниқланди; Pro-аллель 293 (91%) ҳолатда, Ala-аллель эса 29 (9%) ҳолатда кузатилди. Соғлом кишиларда Pro/Pro : Pro/Ala : Ala/Ala-генотиплари ва Pro : Ala аллелларининг нисбати мос равишда 70,7% : 29,3% : 0% ва 85,4% : 14,6%ни ташкил қилди. Назорат гуруҳида PPAR γ гени Pro12Ala полиморфизми генотиплар частотасининг тақсимланиши Харди-Вайнберг тақсимотига мос келди ($\chi^2=1.71$, $p=0.19$). PPAR γ гени Pro12Ala полиморфизмини генотип ва аллелларининг тақсимланишини ирсиятнинг рецессив модели бўйича қиёсий таҳлилида беморларда назорат гуруҳига қараганда Pro/Pro-генотип ишонарли равишда кўп учради ($p=0,04$).

IRS-1 гени Ala513Pro полиморфизмининг частотаси 166 нафар беморда ўрганилди. Ala/Ala-генотип – 161 нафар (97%) беморда, Ala/Pro-

генотип – 5 нафар (3%) беморда аниқланди, Pro/Pro-генотип эса кузатилмади; Ala-аллель 327 (98,5%) ҳолатда, Pro-аллель эса 5 (1,5%) ҳолатда кузатилди. Соғлом кишиларда фақат Ala/Ala-генотип аниқланди, Ala/Pro ва Pro/Pro-генотиплар эса умуман аниқланмади ва Ala-аллель 116 (100%) ҳолатда кузатилди. Назорат гуруҳида IRS-1 гени Ala513Pro полиморфизми генотиплар частотасининг тақсимланиши Харди-Вайнберг тақсимотига мос келди ($\chi^2=0.00$, $p=1$). IRS-1 генининг Ala513Pro полиморфизми генотип ва аллелари тақсимланишининг ирсият моделлари бўйича қиёсий таҳлили соғлом кишилар ва беморлар ўртасида статистик ишончли фарқ топилмади.

IRS-1 гени Gly972Arg полиморфизмининг частотаси 164 нафар беморда ўрганилди. Gly/Gly-генотип – 158 нафар (96,3%) беморда, Gly/Arg генотип – 6 нафар (3,7%) беморда аниқланди, Arg/Arg генотип кузатилмади; Gly-аллель 322 (98,2%) ҳолатда, Arg-аллель эса 6 (1,8%) ҳолатда кузатилди. Соғлом кишиларда Gly/Gly : Gly/Arg : Arg/Arg генотиплари ва Gly : Arg аллелларининг нисбати мос равишда 96,6% : 3,4% : 0% ва 98,3% : 1,7%ни ташкил қилди. Назорат гуруҳида IRS-1 гени Gly972Arg полиморфизмини генотиплар частотасини тақсимланиши Харди-Вайнберг тақсимотига мос келди ($\chi^2=0.02$, $p=0.89$). IRS-1 гени Gly972Arg полиморфизмини генотип ва аллеларини тақсимланиши ирсият моделлари бўйича қиёсий таҳлилида соғлом кишилар ва беморлар ўртасида статистик ишончли фарқ топилмади. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, АГ ва МСли беморларда ҳам, соғлом кишиларда ҳам IRS-1 гени Gly972Arg полиморфизми Gly/Gly гомозиготларининг кўп учраши ва Arg/Arg гомозиготларини эса учрамаслиги ҳамда Gly-аллелининг кўп йиғилиши кузатилди.

